



POLAND



POLAND

**БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТНИНГ
УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ****Кудияров Шарапат Солиевич**Тошкент шаҳар ИИББ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан
таъминлаш хизмати муҳим топшириқлар бўйича инспектори<https://doi.org/10.5281/zenodo.11103532>

Таъкидлаш жоизки, аҳоли соғлиғига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу фуқароларнинг соғлиғига жиноий тажовуз қилишдир. Шунга биноан фуқароларни ушбу жиноий тажовуздан ҳимоя қилишни давлат томонидан кафолатланиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инсон соғлиғини жиноят қонуни томонидан ҳимоя қилинувчи объект сифатида ўрганганимизда, соғлиққа қарши жиноий тажовуз тушунчаси ва моҳиятини очиб бериш учун уларнинг объектини, жабрланувчига хос хусусиятларини кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир¹.

Бу маълумотлар соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилишга уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга, қилмишнинг хусусияти ва соғлиққа етказилган шикастга мувофиқ жазони тўғри тайинлашга кўмаклашади. Баданга шикаст етказиш деб, инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғи йўқолиши ёки аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлиги бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушушини тушиниш керак².

И.Э.Исмамов назарида, қасддан баданга шикаст етказиш инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик бутунлиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши, ёхуд инсонга жисмоний жиҳатдан оғриқ берувчи, шунингдек, унинг руҳияти бузилишига олиб келишда ифодаланган қасд ёки эҳтиётсизликшаклидаги ҳуқуққа хилоф қилмишлар тушунилишини таъкидлаб, Жиноят кодекси назарда тутилган соғлиққа қарши жиноятларни биринчи баданга турли даражада шикаст етказиш мумкин бўлган (ЖК 104–109, 111-м.) ва

¹ Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 40.



POLAND



POLAND

иккинчи қийнаш билан боғлиқ бўлган соғлиққа зарар етказиш (ЖК 110-м.) мумкин бўлган жиноятларга ажратилган. Тиббиёт нуқтаи назаридан одамга ташқи муҳитнинг турли омилларининг таъсири натижасида вужудга келган аъзо ва тўқималарнинг анатомик бутунлиги ва физиологик фаолиятининг бузилиши тан жароҳатисифатида тушунилади³.

А.М. Зацепин ва И.Я. Козаченколар фикрига кўра қасддан баданга шикаст етказиш инсон баданининг ҳаракатлар тизими мақомида тан олиш зарур ва унинг ифодаси шундан иборатки, одам бадани ва унинг органларини маконда ва замонда ҳаракат қилиб, ижтимоий муҳитда (ҳаракат) маълум жисмоний ўзгаришларга олиб келади ёки бирон-бир тана ҳаракатларидан воз кечиш (ҳаракатсизлик) дан иборат бўлади⁴.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, баданга шикаст етказиш ўзга шахснинг соғлиғига унинг хоҳишига зид равишда, ташқи муҳит омиллари таъсири остида тўқималар ёки аъзоларнинг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциялари бузилишига сабаб бўлган ғайриқонуний зарар етказиш деб таърифлаш мумкин⁵.

Е.В.Безручконинг фикрича, ижтимоий хавфли, қонунга хилоф равишда ўзга кишининг баданига шикаст етказиш тушунилади. Бунда ташқи муҳитнинг турли таъсирлари, механик, жисмоний, химик, биологик, руҳий, таъсирлари натижасида тўқималарининг ёки одам организми аъзоларининг нормал фаолиятининг бузилиши ёки касаллик ёки патологик ҳолати юзага келади ва етказилган зарарнинг объектив белгилар асосида аниқ аниқлаш мумкин бўлади⁶.

Е.В.Тищенко соғлиққа зарарни «хуқуққа хилоф равишда бошқа кишининг соғлиғига, унинг танасининг анатомик бутунлиги ёки инсон

³ Исмаилов И. Соғлиққа қарши жиноятларининг ҳуқуқий таҳлили //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 20. – С. 18-24.

⁴ Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. –

М.: Проспект, 2017. – 304 с.; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва:

Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.

⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83

⁶ Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33



организми фаолиятининг ёки бутун организмнинг бузилишида намоён бўладиган ғайриқонуний фаолият”⁷ деб тушунади⁸

П.Б.Бакуновнинг фикрича, баданга шикаст етказиш деб инсон танасининг бирорбир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғининг йўқолиши ёки аъзоларининг йўқолиши ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятининг йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлигининг бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятининг маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушишини тушуниш керак⁹ Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлар фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, баданга шикаст етказиш деб инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказиши ёки танасининг анатомик бутунлиги ёки инсон организми фаолиятининг ёки бутун организмнинг бузилишида бегона бир шахснинг куч ишлатиши натижасида ғайриқонуний зарар етказиш деб таърифлаш мумкин.

Фойдалиниланган адабиётлар:

1. Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13.
2. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни. Science and innovation in the education system, 2(13), 73-76.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 40.
4. Исматов И. Соғлиққа қарши жиноятларининг ҳуқуқий таҳлили //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 20. – С. 18-24.

⁷ Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45

⁸ Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13

⁹ Бакунов П.Б. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Тошкент, 2010. Б.8



5. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. *Solution of social problems in management and economy*, 2(13), 95-98.
6. Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. –М.: Проспект, 2017. – 304 с.; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва:Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.
7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83.
8. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).
9. Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33
10. Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45
11. Qushboqov, S., & Mamatova, D. (2023). yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'рни. *current approaches and new research in modern sciences*, 2(10), 37-39.
12. Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13
13. Qushboqov, S., & Tilabov, S. (2023). Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli. *Science and innovation in the education system*, 2(11), 45-47.
14. Бакунов П.Б. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Ташкент. 2010. Б.8
15. Қушбоқов, Ш., & Ҳосилжонов, М. (2023). Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 2(9), 29-31.